

үгит-нәсият алып барыуымыз, ислам динимиздин хақықый мәнисин, оның зорлыққа, бузғыншылыққа, бийгүнә инсанлардың қанын төгийге пүткиллей қарсы екенін дүньялық хәм диний илимлер тийкарында дәлиллеп барыуымыз зәрүрлигин уқтырды.

Президентимиз атап көрсеткеніндей, «Ислам дини-бәринен бурын, тынышлық хәм дослық, аўызбиршилиқ хәм татыўлық, илим хәм ағартыўшылық дини» [2:297] екенлигин оның пүткил раўажлануў тарийхы айкын көрсетип турыпты. Биз ислам динин эзелий қәдириятларымыздың өзегі хәм қорғаушысы сыпатында қәдирлеймиз. Ислам бәрхама адамларымызды жақсылыққа, әдиўиликке, тынышлыққа, басқа инсанларға иззет-хүрмет етиўге шақырып келген. Соның ушын да биз оны зорлық хәм қан төгий мақсетинде пайдалануўға қарсы шығамыз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевтың сессияларында ислам дининиң адамзат ушын қәдир-қымбаты туўралы айтқан пикирлери тек ғана ислам дүньясы тәрәпинен ғана емес, ал пүткил жәхән жәмәәтшилиги тәрәпинен

унамлы баҳаланды. БМШның Бас Ассамблеясының 72-сессиясында «**Руўхый ағартыўшылық кеңпейилик**» [2:299] деп аталған айрықша резолюциясын қабыллаў ҳақындағы усыныстың Өзбекстан Республикасы Президенти тәрәпинен ортаға қойылыуы хәм оның кейин ала бир аўыздан қабыл етилиўи бул пикиримиздин айкын дәлили болып табылады.

Муқаддес ислам дининиң инсансүйишлик дин екенлигин, адамзатты жоқары мәнаўиятқа хәм билимлиликке шақыратуғынлығын, алым хәм улама ата-бабаларымыздың Биринши хәм Екинши Ренессанстың дәретиўшилеринен болғанлығын изертлеў хәм нәсиятлаў бүгинги күндеги әхмийетли ўазыйпалардан болып есапланады.

Жуўмаклап айтқанда, буннан кейин де журтымызда жасап атырған барлық миллет хәм елатлар ортасында өз ара хүрмет хәм аўызбиршиликли орталықты беккемлеў, түрли диний конфессиялар ушын тең хәм қолай шараят жаратыўға қаратылған сиясат үзликсиз түрде даўам еттириле береді.

Әдебиятлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2023.
2. Мирзиёев Ш.М. Жаңа Өзбекстан раўажлануў стратегиясы толықтырылған басылымына тийкарланған қарақалпақша биринши басылымы. –Нөкис: «Қарақалпақстан» 2022. 440-б.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2021.
4. Мирзиёев Ш.М. Жаңаланған Конституциямыз Үшинши Ренессансты қурыў жолында беккем ҳуқықый тийкар болып хызмет етеди. /«Еркин Қарақалпақстан», 21-январь 2021.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг асарлари асосида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғоясининг мазмун моҳияти атрофлича ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается сущность идеи межнационального согласия и религиозной толерантности на основе трудов Президента Ш.Мирзиёева.

SUMMARY. The article deals with the notion of ideas international agreement and religious tolerance on the basis of works of President Sh.Mirziyoyev.

АМУДАРЁ БЎЛИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УНИНГ КУНДАЛИКЛИ МАЪМУРИЙ ХУДУДИЙ БОШҚАРИЛИШ ТИЗИМИ

А.Абдуллаев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: Амударё бўлими, суд, Хива, Россия, гандимиён, суд тизими, маъмурий, Марказий Осиё, Генерал-губернатор, комиссия, округ, Туркистон, вилоят суди, халқ суди, прокуратура, нотариус, низоми, съезд.

Ключевые слова: Амударьинское отделение, суд, Хива, Россия, Гандимьян, судебная система, административная, Средняя Азия, генерал-губернатор, комиссия, уезд, Туркестан, областной суд, народный суд, прокуратура, нотариус, закон, съезд.

Key words: Amudarya department, court, Khiva, Russia, Ghandimian, judicial system, administrative, Central Asia, Governor General, commission, district, Turkestan, regional court, people's court, prosecutor's office, notary, statute, assembly.

Халқ ва миллатларнинг ҳудудий-географик жойлашуви, табиий шароити, иклими, шарт-шароитлари ўша жойда яшовчи аҳолининг келиб чиқишига, кундаликли хаётига, менталитетига таъсир қилиши табиий ҳол, албатта. Дунёнинг кўпгина минтақалари каби Марказий Осиё тарихида Орол денгизи ва унинг атрофида яшовчи халқларнинг ижтимоий-сиёсий хаёти, турмуш тарзи, дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли ниҳоятда аҳамиятлидир.

Россия империясининг босқини арафасида эса, ҳудудда ўзига хос равишда бошқарув тизими шаклланган ва такомиллашган.

1873 йил Хива хонлигини Россия империяси босиб олгандан кейин, ўлкада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий хаётида ва бошқарув тизимида қатор ўзгаришлар юз берди.

Мазкур даврда Амударё бўлимини бошқарув тизимини шартли равишда икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин: Биринчи босқич - 1873-1886 йилларни, иккинчи босқич - 1887-1917 йилларни ўз ичига олади.

Шунингдек, махсус 18 моддадан иборат «Амударё округини бошқаришнинг муваққат низоми» [1] шахсан Туркистон генерал губернатори К.П.Кауфман томонидан 1873 йил 26 августда тайёрланган. Низом унинг 1-моддасида округнинг Россия империяси таркибига киририлганлиги, 2-моддасида унинг ҳудуди аниқ белгилаб берилди, яъни округ таркибига собиқ Қизилқум тумани ҳудудининг бир қисми, шимолда

Букан тепаликлари ва шарқдаги Оқтаў тоғлари водийсигача бўлган қум чегараларигача бўлган жойлар кирилди. Сирдарё вилояти ва Округнинг чегарасини аниқ белгилаш Сирдарё вилояти Ҳарбий губернатори ва Амударё округи бошлиғининг ўзаро ихтиёрий келишувга тақдим этилди.

Амударё бўлими Хива билан чегарадош бўлиб, унинг ғарбидаги Талдиккача, Сирдарё вилояти билан эса – Бухоронинг Ғиждувон шахридан Бишқак қудуғи орқали, Аристон Бел-қудуқ ва Аяқ оралиғидан Бухоро чегараларигача бўлган ҳудудни эгаллаган. Шунингдек, Уроқ, Дарвоза, Балқашти, Тахтатаў ва Қос-қудуқ тепаликларидан Перовскгача бўлган ҳудуд белгиланган. Бухоро амирлиги билан эса, Амударёнинг ўнг соҳилидаги Мишекли урочишедан Аристон Бел-қудуғигача бўлган ерлар кирган. Унинг шарқий ва жанубий чегаралари денгизгача ва унинг ёнидаги ирмоқларгача бўлган ҳудуд белгиланган [2:54].

10-14-моддаларга асосан умумий ер ҳажмига аниқлик кирилгунча ердан фойдаланиш, солиқ йиғиш миқдори округ бошлиғи ёрдамчилари билан танобчилар ёрдамида тахминан белгиланган ва 1873 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида низом»да кўрсатилганидек амалга оширилган. Бозорда солиқ тўплаш 1874 йил 1 январдан бошланган. Махсуслот олиб келган Бухоро ва Қўқон савдогарлари қарвонларидан закот олинган, Хива савдогарлари эса, закот тўлашдан озод этилган.

15-моддага асосан, кўчманчи аҳолининг ўтовлари сони аниқлаштирилиб, бўлислар тўғри ташкил этилгандан кейин, уларнинг қарамоғидаги чорва моллари ҳисобига ва бугдой етиштирганига қараб закот олинган.

16-модда бўйича, қорақалпоқларни маълум бир ҳудудга жойлаштиргунча, уларнинг ярим кўчманчи ҳолатда яшаганликлари ҳисобга оlinиб, улардан одат бўйича мол солиғи ва закот олинган.

17-модда бўйича халқ судлари «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида низом»да кўрсатилганидек, тўлиқ сақланган. 18-моддага биноан, агар руслар билан маҳаллий аҳоли ўртасида тортишув ва судлашиш пайдо бўлса, агар округ бошлиғи зарур деб топса, ўз ёрдамчиларидан бирига судья вазифасини юклаган.

Амударё бўлимига Россия империясининг бир қисми сифатида қаралган. Ушбу ҳудуд империянинг Туркистонда Орол денгизи, Хива хонлиғи ҳудудидаги ҳарбий бўлинмалар жойлаштирилган таянчи ҳисобланган. Бўлимга Россиянинг бошқа губерниялари каби давлат рамзи туширилган Герб тақдим этилган. Бу билан Амударё бўлимининг Россияга сиёсий қарамлиғи яна бир таъкидланган.

Шўраҳон шаҳридаги Тўрткул истехкомида ташкил этилган Петро-Александровск шаҳарчаси маъмурий марказ сифатида белгиланган. Чимбой маъмурий марказ бўлмаса-да, шаҳарча сифатида иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги нуфузини сақлаб қолган ва ривожланиб борган [3:262-263]. Бўлим икки участкага-Шўраҳон ва Чимбойга ажратилгандан кейин, ушбу икки шаҳарчанинг нуфузи янада ошган.

Амударё бўлимининг майдони 75900 кв, верста бўлиб, аҳоли сони эса 192312 киши бўлган [4]. Амударё бўлимида қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари яшаган, ўзбеклар ўтrock ҳаёт кечирган. Қорақалпоқлар, қозоқлар эса кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатида яшаган.

Петро-Александровскийда энг дастлаб ҳарбий унвони бор хизматкорларга турар жойлар, ҳарбий омборхоналар, мудофаа деворлари қурилган. 1873 йил 22 августда фон Кауфманнинг 75-сонли буйруғига биноан Амударё округининг бошлиғи ёнида девонхона, ҳисобхона, иш юритувчи ва ҳарбий бўлим томонидан офицер тайинланган [2:54]. Ўлкадаги раҳбар лавозимларга Россия империясининг ҳарбий вакиллари тайинланган.

Шунингдек, шаҳарда ҳарбий казармалар, Амударё бўлими бошлиғининг хонаси, офицерлар клуби, шаҳар истироҳат боғи, ширкат биноси, касалхона, банк, телефон ва пахта тозалаш заводлари, мактаблар, бошқа хўжалик ва маҳаллий маҳкамалар қурилди [5:6].

Участкалар бўлисликка, бўлисликлар жамоаларга, жамоалар эса қишлоқ ва овулларга бўлинган [6].

1886 йилги Низомга кўра Амударё бўлими Туркистон ўлкасининг Сирдарё вилояти таркибига киритилган [8]. Амударё бўлими ёрдамчисига Шўраҳон участкасига ҳам мудирлик қилиш топширилган, аммо Низомнинг 1916-йилги нашрида эса, Сирдарё ҳарбий губернаторига нафақат Амударё бўлими бошлиғининг ёрдамчисини, балки бўлимга тегишли штат асосида барча лавозимларга тегишли одамларни тайинлаш вазифаси юклатилган.

Амударё бўлими бошлиғига уезд бошлиғи ҳуқуқи берилиб, унга барча фуқаролик ишлар билан шуғулланиш ҳам топширилган. Маҳаллий аҳоли маъмурияти ва судини сайлаш, тасдиқлаш, шунингдек генерал-губернаторнинг алоҳида топшириғи билан чегара масалалари билан ҳам шуғулланган [9]. Агар ҳудудда сиёсий-ҳарбий ҳолат талаб қилса, унга маълум даражада муваққат ҳаракатланиш ҳуқуқи ҳам берилган [10].

Жиноят ишлари бўйича суд тузилиши маҳаллий аҳоли томонидан содир этилган айрим жиноят ва қилмишлари ҳақидаги ишлар маҳаллий аҳоли судларига ўтказилган ва назорат қилиниб борилган.

Россия империяси ўзига қарам бўлган ўлкаларда, шу жумладан Амударё бўлимида ҳам ўзлари учун фойдали ва қулай бошқарув тизими, қонун ва қоидалар, низомлар, бир қатор низом ости ҳужжатлари ҳам қабул қилган. Округ 1886 йилгача (яъни «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида низом»и расман қабул қилингунга қадар) махсус тайёрланган «Туркистон вилоятини бошқаришнинг муваққат низоми», «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси», «Амударё округини бошқариш тўғрисида муваққат низом»лар асосида Туркистон генерал-губернаторлиғи томонидан фавқулодда муҳим ва фойдали деб ҳисобланган ҳамма чоралар кўрилиб, бошқарилган [10:191-192]. Бўлимдаги ҳарбий қисмни бошқариш эса 1-Туркистон армия корпусининг командирига топширилган.

«Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»га асосан, бўлим бошлиғи Туркистон генерал-губернаторлиғи томонидан тайинланган, ишдан бўшатилган ва Россия императори томонидан буйруқ билан тасдиқланган.

Россия империяси Амударё бўлимида иқтисодий ва сиёсий томондан ўз устунлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий бошқарув ва халқ судлари масалаларида 1874 йил Амударё бўлимининг биринчи бошлиғи полковник Н.А.Ивановга ёрдам тариқасида бўлимга махсус «Ташкиллаштириш комиссия»си келади. Комиссия ўлкадаги аграр соҳадаги ҳолатларни ўрганиб, ўлкани бошқариш ва судларни ташкил этиш ишлари билан шуғулланган. Ушбу комиссияси 1877 йилгача фаолият кўрсатиб, унинг фаолияти асосида ер масаласи ҳақида расмий режа қабул қилинган. Бу режага мувофиқ барча ерлар Россия ҳукуматига тегишли деб белгиланган [12].

Чимбой участкаси ҳудуди, асосан Нукус, Қўнғирот, Таллик, Наўпир, Чимбой, Кегейли, Ишим, Кўк-қўл ва Даўқара бўлисликларида ва 37 та қишлоқ ва овул жамоаларидан иборат бўлган [12:42].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бўлимни бошқаришда ва уни назорат қилиш йилдан йилга кучайтирилган.

Россия империясининг ўлкада олиб борган сиёсати қарши бўлганлар, уларнинг «ўлчов» ва «талаби»га жавоб бермаган маҳаллий аҳоли учун турмахона ва қамокхоналар ташкил этилган. XIX асрнинг 80 йилларига келиб, Россия Бош турма бошқармасининг тақлифига биноан, Россия Вазирлар қўмитаси Орол денгизидagi 230 кв.верстыни эгаллаган «Николай» ва 130 кв. Верстылик [12] ҳудудда жойлашган «Борса келмас» оролларида хавфли жиноятчиларни сургун қилиш учун колониялар қуришни қўллаб-қувватлаган ва уни амалга ошира бошлаган [13]. У ерда Россия империясини тан олмаганлар, унга бўйсунмаган – «жиноятчиларни» сақлаш, улардан ўша жойда балиқчиликни ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлигини ва бу меҳнат ўлим жазоси билан тенглигига эътибор қаратилган.

Шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлиғи ҳудудидан қамокқа олинганлар ва сургун қилинганлар учун Каспий денгизи атрофидаги оролларда ҳам колониялар ташкил этилган. Бундай колонияларнинг ташкил этилиши «жиноятчиларни» Сибирга сургун қилишдан арзон тушиши ва улар меҳнатининг фойдали эканлигига алоҳида урғу берилган [14]. Айнан шу йиллари Петро-Александровск турмахонаси ва қамокхонаси қурилган. 1908 йил 9 январда Петро-Александровск турмахонасидаги шарт-шароитлар, сиғимлилиги каби масалалар бўйича комиссия

текшириб кўрган ва ушбу жойда махбусларни сақлаш мумкинлиги ҳақида хулосага келган. Турмаҳона ташқаридан ҳарбий қоравуллар ёрдамида тун-у кун қоравулланган. Тартибни назорат қилувчи назоратчилар 6 та бўлиб, биттаси катта, қолган бештасининг мансаби кичкина бўлган. Турмаҳона сиғимлиги 50 одамга режалаштирилган бўлса ҳам, 1906 йил 51 одам, 1907 йил 72 одам, 1908 йил 81 одам қамокда сақланган. Қамокхона сиғимлиги эса 30 одам бўлсада, 1906 йил 36, 1907 йил 52, 1908 йил 41 одам сақланган [12:30,31,32].

XX асрнинг бошларига келганда Россия подшошининг Амударё бўлимига бўлган эътибори янада ортади. 1901 йил чоп этилган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг бутун бир иккинчи бўлимининг биринчи қисми, яъни 56, 57, 58 моддалари Амударё бўлимига бағишланган. Амударё бўлими бошлиғи фуқаровий бошқарув бўйича уезд бошлиғига тенглаштирилиб, унга кенгайтирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилган. У барча маҳаллий маъмуриятнинг

сайлов лавозимларини тасдиқлаш, ишдан бўшатиш, шу билан бирга суд тизимида ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилган ва бошқарган. Чегара масалалари бўйича генерал губернаторнинг махсус кўрсатмаси берилган. Амударё бўлими бошлиғининг ёрдамчиси ва штат бўйича бошқа лавозимлар ажратилган. Бошлиқ ёрдамчиси Сирдарё вилояти ҳарбий губернатор томонидан аниқланган ва унга Шўроҳон участкасини бошқариш топширилган. Низомнинг 70-1 моддасига асос Петро-Александровскда алоҳида махсус полиция пристави ҳам ташкил этилган [15].

Шундай қилиб, Амударёнинг ўнг соҳилида ташкил этилган бўлимда ўзига хос равишда бошқарув тизими яратилган. Мазкур тизим Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан қонунлаштирилиб борилган, уларнинг барча ҳаракатлари ўлка халқини маъво этиш, унинг ер ости ва ер усти бойлиқларидан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни назарда тутган ҳамда бунга маҳаллий аҳолини босим остида ушлаб туриш эъзига эришилган.

Адабиётлар

1. Временное положение об управлении Амударьинским округом. ЎзРМДА. Фонд-1, 11-опись, 293-дело, 11-б.
2. Тухтаметов Т.Г. Амударьинский отдел. (Социально экономическое и политическое значение для Хорезмского оазиса). – Нукус: «Қарақалпақстан» 1977. -С.54
3. Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари. -Т.: 2013. 262-263-б.
4. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Часть II. // Составитель. К.Г.Гиршфельдом и А.С.Галкиным. Т. 1903 Ч. II, С.214. -С.56.
5. Камалов С.К., Қощанов А.Қ., Ҳажиев Г.Н. Тўрткўл-Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти. –Нукус: «Қарақалпақстан», 1993. 6-б.
6. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа. Хивинский район. Составитель генерального штаба полковник В.Лобочевский. Издания штаба Туркестанского военного округа.Т. Эл.пар. типо-лит. штаба Туркестанского военного округа. 1912. -С.33.
7. Положение об управлении Туркестанского края. –Санктпетербург: Том II.,часть 2., Издание 1886. С-1.
8. Положение об управлении Туркестанского края. Изд. книжного магазина М.Ф.Собберей. Т. 1916. С-26-27.
9. Отчёт ревизующего, по высочайшему повелению, Туркестанский край, тайного советника Ф.К. Гирса. 1882. С.109-110. С.453. Ф.К.Гирс хисоботи асосида мваллиф томонидан хисобланди – А.А.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. -Т.: «Шарқ». 2000. 191, 192-б.
11. Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР (1917-1927 гг) – Ташкент: Изд. АН. УзССР, 1960. – 42. с.
12. Пален К.К. Тюремное дело. С.Петербург. Сенатское типография. 1910. общ. -С-142.
13. Отдел неофициальный. //Туркестанские ведомости.№ 20, 14.(26)-март 1893.
14. Туркестанские ведомости. 14 (26) март 1893 года. № 20.
15. Положение об управлении Туркестанского края. 1901. - С. 22-23, 27.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада халқ ва миллатларнинг ҳудудий-географик жойлашуви, табиий шароити, иқлими, шарт-шароитлари ўша жойда яшовчи аҳолининг келиб чиқишига, қундаликли ҳаётига, менталитетига таъсир қилиши ва дунёнинг кўпгина минтақалари каби Марказий Осиё тарихида Орол денгизи ва унинг атрофида яшовчи халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли ниҳоятда аҳамиятлилиги ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье территориально-географическое положение, природные условия, климат и условия жизни народов и наций влияют на происхождение, быт и менталитет людей, проживающих в данной местности, на общественно-политическую жизнь народов, проживающих в данной местности. Освещены Аральское море и его окрестности в истории Центральной Азии, как и многих регионов мира, образ жизни, место и роль в мировом сообществе.

SUMMARY. In this article, the territorial-geographic location, natural conditions, climate, and conditions of peoples and nations affect the origin, daily life, and mentality of the people living in that place, and the socio-political life of the peoples living in and around the Aral Sea in the history of Central Asia, like many regions of the world. , lifestyle, place and role in the world community are highlighted.

ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ И ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ КАРАКАЛПАКСТАНА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ (1991-2021гг.)

Н.Р.Джумагельдиев – доктор философии исторических наук

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажсинияза

Таянч сўзлар: Қорақалпоғистон, экологик сиёсатнинг ривожланиш босқичлари, ижтимоий-иқтисодий мезонлар, миллий стратегия, барқарор ривожланиш.

Ключевые слова: Каракалпакстан, этапы развития экологической политики, социально-экономические критерии, национальная стратегия, устойчивое развитие.

Key words: Karakalpakstan, stages of development of environmental policy, socio-economic criteria, national strategy, sustainable development.

В настоящее время одной из важных задач развития промышленности в регионах является формирование направлений развития промышленности. Разрабатываемые направления дифференциации отраслевой и территориальной структуры промышленности, должны в полной мере учитывать уровень социально-экономического развития региона. Происходящие перемены в экономике независимого Узбекистана нашли адекватное отражение и в

Каракалпакстане. Так в 1993 г. на XIII сессии Верховного Совета Республики Каракалпакстан была принята "Концепция основных направлений развития экономики и социальной сферы Каракалпакстана на 1993-2000 годы и на период до 2005 г., которая и стала основополагающей программой республики по преодолению односторонней сырьевой направленности экономики и обеспечения выпуска готовой продукции на базе организации углубленной переработки